Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

*1931 йилдан чиқа бошлаган*   1997 йил 15 январь, чоршанба   **Баҳоси сотувда эркин нархда.**   **№ 5 (6901)**

*Даъват*

Кўркам хулқ икки нарса билан, яъни илм, адаб ўрганиш ва ёмон ишлардан сақланиш билан топилади.

**Боболар нақли.**

*Ибрат*

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида санъат галареяси иш бошлади. Унда Тошкент Санъат институти ва унинг рассомчилик факультетида иш олиб бораётган ўқитувчилар, рассомлар ижоди намойиш этилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси*

*Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор вазирликлари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тўғрисидаги Низом ва унинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

3. Жамғарма бошқаруви, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси ва Давлат тест маркази бир ой муддат ичида танловларни ўтказиш ва грантлар бериш шартларини ишлаб чиқсинлар ҳамда иқтидорли ёшлар юбориладиган етакчи чет эл олий ўқув юртларини аниқласинлар.

4. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

— чет элда таълим олаётган ёшларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид зарур ахборотлар билан доимий равишда таъминлаб турсин;

— жамғармага чет элдаги етакчи ўқув, илмий марказлар ва таълим соҳасида ишловчи халқаро ташкилотлар билан иш юзасидан алоқа ўрнатишга ёрдам берсин.

5. Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан жамғарма фаолиятини ташкиллаштириш учун 10 миллион сўм ажратсин.

6. Республика пул-кредит сиёсати комиссиясига жамғарма фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган маблағлар конвертациясини устувор тарзда таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки:

— жамғарма учун миллий ва хорижий валюта ҳисоб-рақамларини очсин;

— жамғармани Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уйга жойлаштирсин ва зарур алоқа воситалари, компьютер техникаси, транспорт, офис жиҳозлари билан таъминласин.

8. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бошқа ахборот воситалари жамғарма фаолиятини доимий равишда ёритиб борсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимовга юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 13 январь.

## РАҚС—МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ



*Қалби гўзал одамнинг истараси иссиқ бўлади. Қалби гўзал одам чиройли кулади, чиройли рақсга тушади. Рақс — гупураётган қалбнинг ташқи тўлқинларидир. Азал-азалдан юксак маънавиятли халқимизнинг дилтортар мусиқаларию уларга монанд рақслари бисёр. Улар асрларки халқимиз эътиборида, қалбимиз тўрида.*

*Рақс тушаётганингизда ( кимса йўқки, бирор марта рақс тушмаган бўлсин) ўз холатингизни ҳеч кузатганмисиз. Инсон рақсга тушаётганда уни ёмон ўй-хаёллар буткул тарк этади. Вужудини ажиб бир хушнудлик қамраб олади. Лаблари беихтиёр табассум измига тушади. Ёҳуд, қойилмақом*

*Муносабат*

*ижро этилган рақсни томоша қилганимизда ҳам роҳатдан энтикиб кетамиз, танимизга илиқлик, ажабтовур жимирлаш ёйилади.*

*Ҳа, бизнинг мана шундай рақсларимиз, мана шундай раққосаларимиз бор. Рақс санъати аждодларимиз томонидан ривожлантирилган, такомиллашган ҳолатда бизгача етиб келган. Биз ҳам бу кўҳна ва навқирон санъатимизни янада юксалтириб, авлодларимизга етказишга бурчлимиз. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди — хайрли иш бўлди.*



*Зеро, миллий рақс санъати — маданиятимизнинг ажралмас бир қисми, халқимизнинг дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик улкан бойлигидир.*

**Б. ИКРОМ.**

**В. АСКАСОВ олган суратлар.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**• Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Чехия Республикасига расмий ташрифи бошланди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон аскарлари ва офицерларига табрик йўллади. Табрикда жумладан шундай дейилади: «Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, келажаги буюк давлат барпо этаётган Ўзбекистон фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, бунёдкорона меҳнати хавфсизлигининг кафолатидир».**

**• Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари, миллий хавфсизлик хизмати, республика Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

**• Тожикистондаги беқарорликларга қарамасдан Жаҳон банки ушбу республикада қишлоқ хўжалигини тиклаш лойиҳаси ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини қўллаш учун 50 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз берди. Бу қарзларни қирқ йил муддатда қайтариш керак бўлади.**

**• Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Францияга расмий ташрифи бошланди. Музокаралар давомида Франциянинг «Элф-Акитэн» компанияси билан навбатдаги нефть битими имзоланиши кўзда тутилмоқда.**

*Қўшнинг тинч — сен тинч*

## ХАВФСИЗЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАЪМИНЛАНДИ

Қўшнинг тинч — сен тинч, деган нақлнинг ҳақлигини қўшни Тожикистон Республикасида юз бераётган нотинчликлар яна бир карра тасдиқламоқда. Дарҳақиқат, сўнгги кунларда Тожикистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларида ички сиёсий вазиятнинг кескинлашуви чегарадош туманларда яшовчи Ўзбекистон фуқароларининг хавфсизлиги ва ҳаётига ҳам муайян хавф туғдирди.

Юзага келган мазкур вазият муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 1997 йил 10 январда Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига расмий нота юборди. «Мавжуд маълумотларга қараганда — дейилади нотада, — сўнгги кунларда Тожикистон ҳудудидаги Чапаевск посёлкасида, жумладан, «9 январь» жамоа хўжалигида Тожикистон томонида таниқли бўлган Қодир Абдуллаев ва миллий гвардия бригадаси командири Маҳмуд Худойбердиев жанговар отрядлари ўртасида қуролли можаро содир бўлмоқда.

Мазкур гуруҳларнинг қуролли тўқнашуви натижасида 1997 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Ишон шаҳарчаси теварагига бир неча снаряд тушди. Ўзбекистон Республикасининг тўрт нафар фуқароси жиддий ярадор бўлди, улардан бири вафот этди.

Ўзбекистон ҳукумати бундай «олишув»ларни Ўзбекистонга ҳеч қандай дахли йўқ, Тожикистоннинг ички иши деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ҳукумати бундай нохуш воқеалар такрорланишига йўл қўймаслик ва чегара ҳудудида тегишли тартиб ўрнатиш юзасидан дарҳол тегишли чораларни кўришни талаб қилади.

Бундай нохуш воқеалар такрорланган тақдирда, Ўзбекистон томони ўз фуқаролари хавфсизлигини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли қатъий чораларни кўради.

Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 1997 йил 11 январда жавоб нотасини юборди. Унда, жумладан шундай сўзлар айтилади: «Тожикистон Республикаси ҳукумати юз берган нохушликдан, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қурбон бўлганидан чин кўнгилдан таассуф билдиради ва ҳалок бўлган фуқаронинг қариндош-уруғларига Тожикистон томонининг чуқур ҳамдардлигини етказишни сўрайди.

Тожикистон Республикаси ҳукумати келгусида бундай ҳоллар такрорланишининг олдини олиш учун зарур чораларни кўрмоқда. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур ҳаракатларини Ўзбекистон Республикасида тушунишади ва қўллаб-қувватлашади ҳамда бу нохуш воқеа Тожикистон — Ўзбекистон анъанавий дўстлик муносабатларини, ўзаро фойдали ҳамкорлиги ва яхши қўшничилигини янада чуқурлаштиришга путур етказмайди, деб ишонч билдиради».

Айтиш мумкинки, яқин қўшнимиз Тожикистонда бўлаётган нотинчликлар бизнинг ҳам беҳаловатлигимиздир. Шу билан бирга Ўзбекистон Тожикистон ҳукуматини юз бераётган вазият хавфини чуқур англаган ҳолда ўз манфаатлари ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга ва бу нотинчликларнинг Ўзбекистон ҳудудида ҳам тарқалишига йўл қўймасликка чақиради.

Айни кунларда Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларида хавфсизлик ва осойишталик таъминланди.

**«Маърифат» шарҳловчиси.**

## ЯНА ЎҚУВЧИЛАР КИЙИМИ ҲАҚИДА

### ЁХУД БУ МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ КИМЛАРГА БОҒЛИҚ?

Эсингизда бўлса бу борада бундан бир неча йил олдин қизғин баҳслар бўлганди. Тўғриси ҳам шулки, мактаб тўйхона эмас. У ерга инсон илм беришни ёки илм олишни истаб қадам қўяди. Ҳозирги замонавий тўй-томошалардагидай у ерда ташқи «гўзаллик» эмас, қалбан, маънавий гўзаллик ҳукмрон бўлмоғи керак. Афсуски, ҳали-ҳануз мактабларимизда ола-қуроқ кийинишлар давом этмоқда. Уларни уч тоифага бўлиш мумкин: 1) Замонавий модага қараб, яъни иложи борича калтароқ юбка, қоматни кўз-кўз қилиш учун тор кўйлак ёки жемфер, пошнаси баланд туфли киядиганлар (улар асосан шаҳар жойларда кўпчиликни ташкил этади). 2) Замонавий шарқона жимжимадор матоҳлардан тикилган кийимларни кийиб юрувчилар (улар қишлоқ жойларида кўпроқ учрайди). 3) Ҳижобга ўраниб юрувчилар (улар озчиликни ташкил этади). Хўш, буларнинг қайси бири маъқулу, қайси бири номаъқул. Биринчи тоифага мансубларга ёшларга хос ихчамликка интилишган деб ён боссак, шарқлилигимизни, миллийлигимизни англатадиган рамздан воз кечишимизга тўғри келади. Иккинчи гуруҳни оқласак, улардаги жимжимадорлик, ялтир-юлтур мактаб ўқувчиларининг ёшига тўғри келмайди. Учинчи гуруҳга мансублар эса ҳижобда шодон-кувнаб илм олишларида зерикаётгандек хаёлимизда. Кўпчилик мутахассислар, педагоглар, ўқувчилар мазкур масала юзасидан турли-туман фикрлар билан чиқишганди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 июлдаги фармойиши билан умумтаълим мактаб ўқувчиларининг кийими (модел намуналари) тасдиқлангач, амалий ишга бир оз киришилгандай бўлди-да, бир оздан сўнг яна сусайиш бошланди. Албатта, бунга қандайдир бир марказлашган ҳолда иш ташкил этилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкиндир. Бироқ, кўпгина янги турдаги ўқув муассасаларининг, айрим умумтаълим мактабларининг бир зумдаёқ ўз кийимларига, ҳатто ўзига хос тимсолларига эга бўлганлиги масалага ёндашувда ҳам ўзига хослик зарурият эканлигини кўрсатди.

Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, ишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бир қанча тадбирларни амалга оширди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кийими ҳақида чиққан вазирлик буйруғида юқорида таъкидлаганимиздек, масалага ёндашувнинг ўзига хос йўли акс этган. Жумладан, Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 1—5-синф ўқувчиларига мактаб кийими, юқори синф ўқувчиларига эса педагогик жамоалар, ота-оналар кенгаши ҳамда маҳалла қўмитаси аъзолари биргаликда келишган кийим-кечаклар таълим тизимидаги кичик ишлаб чиқариш цехларида, ательеларда, бичиш-тикиш цехларида амалга оширилди. Бу каби ташаббуслар Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё вилоятининг бир неча туманларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Шундан маълум бўладики, бу ишнинг ҳам ижроси асосан маҳаллий ҳокимликларга, таълим бошқармалари, бўлимларига боғлиқ. Шуни инобатга олиб, республика Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларига ўз ҳудудидаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ягона кўринишдаги ўқувчилар кийими билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатишларини сўраб хат йўллади. Негаки, жойларда мазкур ишнинг амалга оширилиши, тайёрланаётган маҳсулот арзонлигини таъминлашдаги энг маъқул йўл эканлиги тажрибада синаб кўрилди.

Бироқ, Халқ таълими вазирлиги мўлжаллаган муддатда, яъни 1996 йил 1 сентябрдан республикамизнинг деярли барча мактабларида ўқувчилар кийими жорий этилмади. Сабаб битта: кийим тайёр эмас. Хўш, бунга ким айбдор? Аслида бу ўринда айбдорни қидириш ҳам қасидир маънода нотўғри. Негаки, бу ишга ҳокимдан тортиб ота-онагача бош қўшиши керак. Шундай қилинаётган жойларда самара бўлаётганлигини ҳам айтиб ўтдик. Хуллас, изланилса имкон, баҳона эса ундан-да тез топилади... Шундай экан, жойлардаги раҳбарлар, ота-оналар, ҳомийлар мустақил Ўзбекистонимиз ўқувчиларининг ўз муносиб кийимига эга бўлишларига, уларнинг чиройли, бежирим (ҳашамлимас), ораста кийиниб юришлари биз катталарнинг ҳам юзи эканлигини тушуниб, бор куч-ғайратларини аяшмайди, деб ўйлаймиз.

**Убайдулла КАМОЛОВ,**
**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи.**

Ишни шундан бошлаш керак. 2-бет.

Болани ким алдаб туради? 3-бет.




**Зокир УСМОНОВ чизган сурат.**

## МММ ХАБАРЛАРИ

### ХОРИЖ ТИЛЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

*Яккабоғ туманидаги хориж тили фанидан бўлиб ўтган олимпиадада тумандаги барча мактабларнинг ўқувчилари иштирок этишди. Танлов якунига кўра Навоий номидаги мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Маҳлиё Номозова, Ойбек номидаги мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муқаддас Бозорова, Форобий номидаги мактаб ўқувчилари Соҳиба Сатторова, Муҳайё Ниёзова, 13-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулнора Пардаевалар биринчи ўринни олишиб, вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.*

### BIR PIYOLA CHOY USTIDA...

*Toshloq tumanining paxta tozalash zavodi tashabbusi bilan tuman nogironlariga bir piyola ustida suxbat tashkil etildi. Zavod rahbari T. Mirzaev davrani ochib, prezidentimiz tomonidan nogironlarga nisbatan qilinayotgan g'amxo'rlik to'g'risida gapirib, yig'ilganlarga salomatlik tiladi. Yig,ilishda tuman hokimi U. Qodirov so'zga chiqib iliq fikrlarini bildirdi. Bayram kechasida madaniyat bo'limi qoshidagi madaniyat uyi xodimlari tomonidan rang-barang qo'shiqlar va raqslar ijro etildi. Kecha so'ngida tuman hokimligi tomonidan nogironlarga qimmatli sovg'alar ulashildi.*

### ДИЛРАБО КЕЧА

*Андижон вилояти тиллар педагогика институтида шоир Фарид Усмон таваллудининг 50 йиллиги бўлиб ўтди. Тиллар институтининг ректори, профессор Мухтор Умархўжаев шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Кечада муаллифнинг шеърлари, шеърларидан яралган қўшиқлар янграб, у қизиқарли ва мароқли ўтди.*

### ТУМАННИНГ «ЙИЛ ЕТАКЧИСИ»

*Чироқчи туманида болалар ва ўсмирлар орасида илк бор «Йил етакчиси» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда туман халқ таълими бўлими ва туман «Камолот» ёшлар жамғармаси ҳомийлик қилишди. Кўрик-танлов қатнашчилари асосан 6 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.*

*Алқисса, кўрик-танловнинг барча босқичларида юқори кўрсаткичларга эришиб, 120 балл тўплашга муяссар бўлган тумандаги Мирзо Бедил номли 36-мактабнинг болалар етакчиси Дилшода Исматова биринчи ўринни эгаллади ва Чироқчи туманининг энг яхши «Йил етакчиси» деб топилди.*

**МУАЛЛИФЛАР:**
**Х. ТЎРАЕВ, M. KARIMOVA.**
**Ф. ЖУМАЕВА,**
**А. ОБИДДИНОВ.**

*Бухорои Шарифнинг 2500 йиллиги олдидан*

# ТЎЙГА ТЎЁНА

**Юртбошимизнинг Ватанимиз тарихини мустақиллигимиз нуқтаи назаридан туриб қайта яратишга мутасадди бўлиши барча зиёлиларимизни ўз киндик қонлари тўкилган қадрдон она юрт тарихини тадқиқ этишга рағбатлантирмоқда. Поён Равшановнинг «Қашқадарё тарихи», Исмат Санаевнинг «Зиёвуддин тарихи», Иззатулло Бекмуродовнинг «Каттақўрғон тарихи», Маҳмуджон Содиқовнинг «Олтиариқ тарихи», Ҳ. Бобобековнинг «Қўқон тарихи» сингари тадқиқотлари фикримизнинг далилидир.**

**Бухоролик қаламкашлар Сайёра Раҳматова ва Ҳайдар Қурбоновларнинг «Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар» китоби ана шу тадқиқотлар силсиласининг бир олтин ҳалқаси тарзида вужудга келган. Бу китоб ҳукуматимиз томонидан 1997 йилда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш, шунингдек, «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш» тўғрисидаги фармонларига муносиб жавоб бўлди, десак, хато бўлмас. Зеро, Бухоройи Шарифдек шаҳар тарихи жуда кўп тадқиқотчилар эътиборини тортиб келган бўлса ҳам, бу шаҳар тарихининг ўқилмаган варақлари анчагина. Бунга биз мазкур китобни ўқиб амин бўлдик.**

**Маълумки, рус тарихчиси О. Сухареванинг «Квартальная обшина позднефеодального города Бухары» (М.: «Наука», 1976) номли китоби мавжуд. Бу китобда ҳар бир маҳалланинг муайян ҳунармандчилик билан шуғулланиши тадқиқ этилган. С. Раҳматова ва Ҳ. Қурбонов ёзган китобда эса маҳаллалар тарихи, номларининг этимологияси тадқиқ этилган. Китобда 200 дан ортиқ маҳалла тарихи келтирилади. Муаллифлар ўз асарларини ёзишда ҳужжатхоналардан, ҳар бир маҳалла билимдонларидан маълумот тўплаб, уларни бошқа тарихий манбаларга қиёсан таҳлил этганлар. Бундан ташқари Бухоро Арки ҳужжатхонасида, шунингдек, вилоят давлат архивида сақланаётган давлат ҳужжатларидан ҳам истифода этганлар.**

**Китобда муаллифлар ўз она шаҳарларининг асл фарзанди нуқтаи назаридан фикр-мулоҳаза юритадилар. Шаҳардаги ташландиқ ҳолда ётган меъморий ва тарихий обидалар борасида куюнчаклик билан ёзадилар. Масалан, Ҳазрати Турки Жандий (сомонийлар вазири, X аср) мақбараси ҳақида улар шундай фикр билдирадилар. «Турки Жандий мақбара-қабрининг олд томонини таъмир қилиб қўйганлар, аммо унинг орқа томони жуда ҳам ёмон аҳволда. Мозор олди ахлатхонага айлантирилган. У ерда пушта орқасида жойлашган аҳоли гаражлар қўйиб ундан фойдаланишган. Бу ерда аждодларимиз хоки ётибди. Уни эъзозлаш, авайлаб, ободонлаштириш зарур. Ўша ерда гузарнинг гавжум жойи—бозорча, чойхона, магазинлар жойлашган. Аммо рўпаралари чангалзор. Шаҳарнинг қоқ марказида, шундай қаровсиз, ақалли атрофи ўраб олинмай, хор-зор бўлган аждодларимиз хоки... X асрдан буён мавжуд бўлиб, аммо тарихий ёдгорликлар рўйхатига киритмай, шундай муносабатда бўлиш бухороликлар учун иснод-ку!» (21-бет).**

**Китобда бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар ҳам анчагина. Ҳалокухон ва ўспирин (Имом Қозихон) ҳақидаги ривоят ва бошқа маълумотлар (121-122 — бетлар) эътиборга лойиқдир.**

**Китобда биз ўтмишда қурилган бинойи хайрлар ва уларнинг бинокорлари ҳақида ҳам янги маълумотларни учратамиз. Масалан, «Мадрасайи Ҳожи Қурбонни марҳум Муҳиддин Ёдгоровнинг боболари Ҳожи Қурбон ва дадалари Ҳожи Ёдгор Қурбоновлар қурган» (129 —бет). «Хўжа Порсо Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд шогирдлари. У киши 1419 йили вафот этганлар. Номларида аввал мадраса қурилган. 1407 йилда гузар ҳам шу кишининг номларида бўлган... Хўжа Порсо мадрасаси ва қабр, унинг тепасидаги туғ жуда ҳам ночор аҳволда. Ҳаммаёқ бузилиб, вайронага айлантирилган» (123 — бет) ва ҳоказо.**

**Китобда таҳрирталаб ўринлар, атамаларнинг нотўғри ёзилиш ҳолларини (масалан, масжид — мачит, хожа — хўжа тарзида ёзилган) учратамиз. Албатта, матбуотда мазкур атамаларнинг ҳар иккала кўриниши кенг ишлатилмоқда. Аммо, илмий адабиётда тўғри ёзилгани маъқул деб ҳисоблаймиз.**

**Умуман, С. Раҳматова ва Ҳ. Қурбоновларнинг ушбу китоби Бухоройи шарифнинг юбилейига муносиб туҳфа, деб қабул қилиш мумкин. Албатта, муаллифлар бугунги кунда ўз она шаҳарлари тарихини тадқиқ этишда давом этадилар ва бу китоб хамир учидан патир, дегандай гап. Бу борада биз муаллифларга чидам ва бардош, улкан илмий муваффақиятлар тилаймиз.**

**Наим НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**



# БОБОЕВНИНГ ДАРСЛАРИ

***Маълумки, таълим-тарбиянинг қирралари кўп. Аммо кўзларга ҳайрат бўлиб, тўлиб, кейин қалбни забт этиб борадиган, шу аснода руҳиятни банди айлаб, эзгуликка ошно этадиган яна бир восита борки... бу кўргазма воситалари, жиҳозу безаклардир. Кейинги йилларда шу борада Касби туманидаги 2-ўрта мактабда ҳам мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилди. Бинога кираверишдаёқ шеърият мулкининг султони, ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомизнинг ўта нозик дид билан ишланган чиройли портрет суратига дуч келасиз. Ундан кейин эса пасту пеш «Давлат тили ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунларнинг тарғибот-ташвиқоти, турли шиорлар, ҳикматли сўзлар ёрдамида ёритиб борилаверган. Зиё маскани толиби илмлари ҳам ўз навбатида энг тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олиш бахтига мушарраф бўлаётирлар. Ана шулардан бири кекса педагог Бобохўжа Бобоевдир. Устоз ўтаётган ҳар бир машғулот сермазмун бўлишига, талабалар онгига чуқур етиб боришига катта аҳамият бермоқда. У қарийб 30 йилдан бери халқ дарди, юрт ташвиши билан яшамоқда. Истиқлолимизнинг қуёш янглиғ оламга нур сочиши учун куч-қудратини, билим ва маҳоратини сарф этаётгани биз учун фахр эмасми?! Ҳа, ҳақиқатан ҳам буни фахр ва бахт деб тушунмоқ керак.***

***Суратда: тажрибали муаллим Б. Бобоев 2-«Е» синф ўқувчиларига машғулот ўтаётган пайт акс эттирилган.***

**Зикрилла РАҲМАТУЛЛАЕВ**
**олган сурат.**

*Мулоҳаза*

# БОЛАНИ КИМ АЛДАБ ТУРАДИ?

Одатдаги иш кунларидан бирида таҳририятга бир хат келди. Ушбу хат билан танишганимдан сўнг хаёлимни анчадан буён банд қилиб юрган фикрлар яна бош кўтарди. Сарлавҳадан ҳам сездингизки, гап болалар тарбияси ҳақида кетаяпти. Айтганча, бу хусусда буюк мураббий бобомиз Абдулла Авлоний бир чин ҳақиқатни аллақачон айтиб кетганлиги ўзингизга маълум: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат масаласидир». Бундан кўриниб турибдики, тарбия инсон ҳаётининг бош муаммосидир. Инсон бу дунёда аслида тарбия топмоқ ва ўз тарбиясини мукаммал этмоқ учун яшайди. Бола вояга етгач, «мана, у улғайди, тўла тарбия топди» демоқ — хато. Инсон бир умр тарбия олади. Инсонни қуршаб турган ҳаёт ўзининг бор икир-чикирлари билан муттасил унинг тарбиясига таъсир этиб туради.

Инсоният тарихига назар ташлар экансиз, тарих аслида турфа тарбиялар самарасининг баёни эканлигига гувоҳ бўласиз. Ҳеч бир воқеа йўқки, унинг иштирокчилари бўлмиш инсонлар ўз характерларида қарор топган ижобий ёки салбий тарбия натижаларини зоҳир этмаган бўлсин. Тараққиёт ҳам аслида инсоният тарбиясининг тадрижий такомиллашиб бормоғидир. Ибтидо давридаги аждодларимиз тарбияси билан бизнинг замондошларимиз тарбиясини солиштириб бўлармикан? Чунончи, ҳар бир даврнинг, қолаверса, ҳар бир мамлакатнинг салоҳияти ўз кишиларининг нечоғлик тарбия топганлигига қараб баҳоланади.

Утмиш бугуннинг, бугун эса келажакнинг пойдеворидир. Шунингдек, ҳар бир инсон тарбиясининг пойдеври боладикдадир. Шарқ фозилларидан бири айтадики, «пойдеворни қийшиқ ураркан меъмор, юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор».

Дарвоқе, мулоҳазаларимиз ҳам айнан шу ҳақда, яъни инсонийликнинг «пойдевор» палласидаги болаларга берилаётган тарбия хусусида. Ва хат бошида эслатганимиз, таҳририятга келган мактубнинг қисқача мазмуни шундай:

*«Гўзалкент тумани Шароф Рашидов номидаги мактабда 13 йилдан буён меҳнат қиламан. Бошланғич синфларга рус тилидан сабоқ бераман. Қарангки, ўзим дарс бераётган синфлардаги болаларнинг феъл-аторини яхши билмас эканман. Яқинда юз берган бир воқеа мени қаттиқ изтиробга солди.*

*Дарс бошланиши билан ўқувчиларимнинг уй вазифаларини текшира бошладим. Болаларнинг бири уй вазифасини бажармай келибди. Сабабини сўрасам, кўнгли бузилиб йиғлаб юборди ва ҳеч нарса деёлмади. Танаффусда синф раҳбарига учраб бу ҳақда гапириб бердим. Синф раҳбарининг айтишича, бола нотинч оилада яшар, оиласида шарт-шароит ва осойишталикнинг йўқлиги учун уй вазифаларини бажармасдан келар экан. Боланинг отаси ичкиликка муккасидан кетган бўлиб, оиласи ва болалари ҳақида ғамхўрлик қилмас, топганини ичиб келиб уйда ҳамманинг асабини бузгани бузган экан. Оилада отанинг зуғумидан қўрқиб унга ҳеч ким бирор сўз деёлмаскан.*

*Мен шу ўқувчимнинг отаси билан гаплашдим. У мен билан жуда хушмуомалада бўлди. Ҳатто ичишни ташлаш ҳақида ваъда ҳам берди. Шундан сўнг, боланинг кайфияти яхши бўлиб, фанларни тезликда ўзлаштира бошлади. Бироқ кўп вақт ўтмай, бола яна маъюсланиб юрадиган, болаларга қўшилмайдиган одатини бошлади. Баҳолари яна сусайиб кетди. «Отанг яна ичаяптими», сўрадим ўқувчимни холи топиб. У йиғлаб юборди. Билдимки, отаси яна ичишни бошлабди.*

*Боланинг отаси ва онаси билан яна гаплашдим. Оила бекаси ҳам отанинг тинимсиз ичишларидан юрак олдириб қўйганлигини пайқадим. Золим отага эса, ортиқ гап таъсир қилмади...*

Р. МУҲАММАДИЕВА,
Самарқанд вилояти,
Гўзалкент тумани.»

Уқиган кишини мулоҳаза юритишга, ўйлашга мажбур этадиган хат. Шундай эмасми? Юрагида шу Ватаннинг, шу Ватан келажагининг хаёли, дарди бор инсон бу масалага беэътибор қарамаса, қаролмаса керак. Юқорида айтганимиздек, одам умр бўйи тарбия топади. Баъзиларни тарбияламоқ учун эса, ҳатто инсон умри, бу ўлчоғлик умр етмаслиги ҳам мумкин. Улар ўзларининг тарбиясизликлари оздай, ўзгалар тарбиясини ҳам бузадилар. Чунки тарбиясизлик ҳам тарбия, ўзгаларга, албатта, таъсир этгувчи тарбиядир. Тарбиянинг бу салбий кўриниши инсоният пайдо бўлгандан буён бор ва ҳали ҳануз йўқолиши даргумон. Қарангки, одамзотнинг энг қадимда яшаб ўтган доноларидан тортиб, бугунги фозилларимизгача, ҳаммаси инсон бўлишга, тарбияли бўлмоққа даъват этадилар. Билмадикки, комил тарбияли инсон бўлмоқлик вақти қачон келар экан...

Келинг, умумбашарий масалалардан ўз муаммоларимизга қайтайлик. Аслида башарият ҳам сиз ва биздан иборат — кўп, жудаям кўп «СИЗ» ва «БИЗ»дан. Жумладан, сиз ва биз ўз муаммоларимизни бартараф этсак, башарият масаласининг ҳам бир тугунини ечмоққа мушарраф бўлишимиз мумкин. Албатта, чин маънодаги инсонларни тарбиялаш орқали. Миллатимизнинг равнақига, мамлакатимизнинг келажакдаги салоҳиятига ҳам айнан бугунги ёшларга бўлаётган эътибор, уларга берилаётган тарбия асос бўлмоғини бир дақиқа бўлсин, унутмаслигимиз керак.

Болалар — кўзгу. Бу кўзгуда жамиятнинг келгуси ҳаёти акс этади. Бу кўзгуга боқинг — келажакни башорат қилинг! Бу кўзгуни тиниқ тутинг — келажак ёрқин кўринсин, ёрқин келажак кўринсин! Ён-атрофингизни кузатинг, болалар ёмон йўлга юрмаяптими — кўзгулар хира тортиб кетмаяптими!

Боланинг шаклланаётган тарбияси у яшаётган оиланинг сувратидир. Инчунун, унда оиланинг ички ҳаёти акс этади. Ота-онанинг нечоғлик тарбия топганлигию бу тарбиянинг болага қандай таъсир этаётганлиги ҳам бу сувратда акс этмасдан қолмайди.

Шариатда ёмон фарзанд тарбиялаган ота-она жазога мустаҳиқ эканлиги ҳақида айтилади. Дарҳақиқат, жамиятга бутун бир инсонни тарбиялаб етказиб бериши керак бўлган ота-онанинг масъулияти улкан. Лекин, ҳамма ота-оналар ҳам ўз фарзандларининг келажакда тўғри ҳаёт кечира билишларига жавобгар эканликларини ҳис қила билармиканлар? Бу вазифани удда этолмаётган ёхуд бунга беэътибор қараётган ота-онанинг жазоси не? Буни ким назорат қилади? Маҳаллами? Афсуски, бугунги кунимизда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан маҳалла қўмиталарига жуда катта эътибор ва ишонч билдирилаётганлигига, уларга турли ваколатлар берилаётганлигига қарамасдан, улар ҳам ўз вазифаларини тўлиқ адо эта олмаяптилар. Ҳар бир бола нафақат ўз ота-онасининг, балки ўз маҳалласининг ҳам фарзандидир. Ҳар бир бола тарбиясида маҳалладошларнинг иноқлиги акс этиб турса, қанийди! Эҳтимол, юқоридаги хатда айтилгани каби ҳолатлар содир бўлмасмиди? Ўз тарбиясизликлари туфайли болалари тарбиясини ҳам бузаётганлар қилмишларидан уялишармиди? Болалар ҳам ўзларини кузатиб турган юзлаб нигоҳлар борлигини ҳис қилиб ёмон йўлга қадам босмаган бўлармидилар?

Шу ўринда болалар тарбиясида боғча ва мактабларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Афсуски, уларнинг ишидан ҳам қаноат ҳосил қила олмайсиз. Бир кузатинг-а, боғчага ўзлари интилиб борадиган болалар нақадар кам. Чунки боғчаларда болалар ўзларини эркин сеза олмайдилар. Бизда болаларга юқоридан тазйиқ ўтказишга одатланиб қолишган. Боғчада бола тинимсиз чеклашлар ва буйруқларга дучор бўлади. Улардан эсанкираб қолади. Бу эса унинг тарбиясига салбий таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Аслида, бу ёшида бола подшо бўлмоғи керак. Бола балиқ сувда сузгани каби эркин бўлиши, ўзининг жисмоний ривожланиш палласида, керак бўлса, обдон шўхлик қилиши ҳам зарурдир. Болани бошқариш эмас, уни кузатиш лозим. У хоҳлаган ўртоғи билан хоҳлаган ўйинчоғини ўйнасин. Чунки, бу ёшда уни қизиқтирадиган нарсалар асосан шулар, унинг учун энг қизиқ китоб ҳам — ўйинчоқдир.

Жумладан, мактабда ҳам ўзларининг асосий вазифаларини ўқувчиларга фандан сабоқ ўтишдангина иборат деб билувчи ўқитувчилар бисёр. Улар кўп ҳолларда ўқувчилардан ўзларига нисбатан ҳурмат талаб қиладилару ўқувчиларга ҳам чуқур ҳурмат кўрсатиш лозимлигини унутиб қўядилар. Ўтмиш аждодларимиз маънавиятини бир эсланг. Улар муаллимни маънавий ота, муаллимани эса маънавий она ўрнида кўрганлар. Алқисса, маънавий ота-оналик вазифасини қойилмақом қилиб бажарган устозлар бисёр бўлган. Афсуски, ҳозирги ўқитувчиларимиз ва ўқувчилар ўртасидаги бу каби маънавий яқинлик ўрни бўшаб қолган. Бу бўшлик эндиликда ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида улкан тафовут бўлиб турибди.

Мактабларнинг оилалар билан ҳамкорлиги ҳам ҳавас қилгулик даражада эмас. Юқорида келтириб ўтилган хатда ҳам кўриниб турибдики, ота-оналар олдида ўқитувчиларнинг сўзи ўз таъсир кучини йўқотган. Турфа фанларнинг узуқ-юлуқ таассуроти билан мактабни тарк этаётган ёшлар жуда кўп. Уларга берилаётган ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий тарбия етарли эмас. Тарбияда ялпи янгича руҳ, яхлитлик йўқ. Бола мактабдан, илмдан безиб эмас, илмга ташна бўлиб — ҳали кўп нарсаларни ўрганиши лозимлигини ҳис қилган ҳолда чиқиши керак. Шубҳасиз, боланинг нечоғлик кўламли билим олиши унинг мактабга қандай оиладан қатнаётганлигига ҳам боғлиқ. Буни (яна бир карра эслатиб ўтсак ўринли) юқоридаги хат мисолида кўриш мумкин.

Уйида тинчи бўлмаган, уйидан кўнгли ўксиб чиққан боладай ғариби бормикан бу дунёда! Масаланинг яна бир аянчли томони шундаки, бола дастлаб ўз оиласида бўлаётган, дейлик ёмон ишлардан уялса-да, бора-бора уят ҳисси унга бегоналашиб кетиши мумкин. Бундай болалар учун энг катта хавф — тарбиясининг салбий томонга ўзгариб кетиши жуда осонлигидадир. «Қуш уясида кўрганини қилади», дейдиларку! Тарбиясиз оилада тарбия топаётган боланинг хулқи ҳам кўп ҳолларда тузатилишга қараганда бузилишга мойил бўлади. Эътиборсиз тарбия топаётган, улғаяётган боланинг келажаги ҳам мавҳумдир.

Сўнгсўз ўрнида, диққатингизни деярли кўпчилигимиз воқиф бўлган, лекин биз эътибор қилмайдиган бир гапга қаратмоқчи эдим. Дейлик, она бирор юмушга киришмоқчи экан, болани кўтариб келади-да, отага дейди: «Сиз ҳам болани бир пас АЛДАБ туринг, ишларимни бажариб олай!» Эътибор қилганмисиз? «Уйнатиб туринг» эмас, «қараб туринг» эмас, «алдаб туринг» дейди. Балки, бу шунчаки гапдир? Бунда эътибор қиладиган нарсанинг ўзи йўқдир, балки? Йўқ, асло! Тарбияда шунчаки, арзимас нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сиз ҳам бир ўйлаб кўринг-а, азиз ўқувчи! Бугунги кунда атрофингизда болаларга бўлаётган эътибор қандай? Тарбия, юқорида айтганимиздек, хоҳ мактабда бўлсин, хоҳ оила ёхуд маҳаллада, болани «АЛДАБ туриш» доирасидагина қолиб кетмаяптими?

Буюк келажак сари, юксак чўққи сари одимлаётган эканмиз, болалар тарбиясига эътибор — биз учун энг ишончли пиллапоядир, акси эса омонат тошларга оёқ қўйиш билан баробар.

Шуни унутмайликки, мустақил Ватанимизнинг бугунию келажаги учун энг қадрли туҳфа — оила, мактаб, маҳалла... бирламчи навбатда ота-оналар тарбиялаб етказиб бережак қобил фарзандлар — комил инсонлардир.

**Икром ИСКАНДАР,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

*Тадбиркорликка кенг йўл!*

# МЕҲНАТ — ТАРБИЯЧИ

Давр эндиликда таълим-тарбия ишига ҳам янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, бозор иқтисодиёти турмушнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказяпти. Мактаб ҳам бундан мустасно эмас. Шу боис биз ҳам мактабимизнинг молиявий аҳволини яхшилаш ва ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатишни тубдан яхшилаш мақсадида бирин-кетин турли йўналишдаги мўъжаз ишлаб чиқариш шохобчаларини очишга киришдик. Натижада этикдўзлик, сартарошлик, гилампоёндоз тўқиш устахоналари, тикувчилик, қандолатчилик цехлари, ун тегирмонлари юзага келди. Беш-олти бош мол сақлаяпмиз.

Қисқаси, ўқувчиларнинг бўлғуси ҳаётида нафи тегадиган турли касб-ҳунармандчилик ишларини йўлга қўйаяпмиз. Бу шунчаки тўгараклар эмас, балки чинакам ишлаб чиқариш тажриба участкаларидир. Уларда касб ўрганаётган ўқувчиларга меҳнатига яраша ҳақ тўланади, чунки бозор иқтисодиётининг бош талаби — фойда кўриб ишлаш ақидасига қатъий амал қилинаяпти.

Натижада ҳисобимизда анчагина маблағ тўпланиб, жорий йилда мактабни тўлиқ ўз кучимиз билан таъмирладик. Бундан кўксимиз фахрга тўлди. Чунки боқимандалик кайфиятидан қутулиш йўлида дастлабки жиддий қадам қўйилди. Ўқувчиларимизни бу тарзда амалий ишга йўналтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз пахтакорларга мадад кўрсатиш борасида ҳам самарали якунланиб, туман мактаблари ўртасида юқори натижаларга эришилди.

Айтилганлардан бир ёқлама хулоса келиб чиқмаслиги керак: таълим жараёнида, яъни ўқувчиларга пухта билим бериш борасида ҳам мактабимиз пешқадамликни эгаллаб турибди. Туман фан олимпиадаларида биринчи ўринни қўлдан бермаяпмиз. Ёшларга экологик таълим бериш бўйича вилоят кўрик-танловида ҳам етакчи ўринни эгалладик.

Таълим-тарбия соҳасида қўлга киритаётган ютуқларимиз инобатга олиниб, мактабимизда: «Бозор иқтисодиёти шароитида мактабни ижтимоий муҳофаза қилиш» мавзуида вилоят семинар-кенгаши ўтказилди. Унда барча туманларнинг халқ таълими бўлимлари мудирлари, мактаб раҳбарлари қатнашиб, бизнинг тажрибамиз кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Лекин биз эришилган натижалар билан кифояланишни хаёлимизга келтираётганимиз йўқ. Агар яна беш-олти гектар ер майдони ажратилса, мактабимиз ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан имкониятларимиз янада ортган бўлур эди. Туманимиз мутасаддилари бу хусусда ваъда бериб қўйишган, ишонамизки, ҳар доимгидек улар лафзидан чиқишади. Ўшанда изланишларимиз янги поғонага кўтарилади.

**Шермат ШОМУРОДОВ,**
**Гурлан туманидаги**
**19-ўрта мактаб**
**директори.**

***Яқинда Республикадаги техник ижодиёт марказларида фаолият кўрсатаётган радиотехника тўгараги раҳбарларининг семинари бўлиб ўтди. Унда 11 та вилоятдан 45 тўгарак раҳбари қатнашди.***

***Семинарда Тошкент радио ва телевидение кўрсатувлари бошқармаси директори У. Қодирова, «Ватанпарвар» мудофаага ҳамкорлик жамиятининг бўлим бошлиғи Н. Кузнецова, радиостанция бошлиғи И. Нелюбин, республика ўқувчилар саройи радиотехника тўгарагининг раҳбари В. И. Авдеев ва бошқалар иштирок этдилр. Улар радио йўналишлари бўйича конструкциялар тайёрлаш услуби, асбоб-анжомлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги***

# ИЛМИЙ АНЖУМАН

***қоидаларига амал қилиш мавзуларида қизиқарли маърузалар қилишди. Тўгарак машғулотлари сифатини кўтариш ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш бўйича республика ўқувчилар техника ижодиёти маркази директори ўринбосари М. Набиеванинг маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди.***

***Шунингдек, семинар қатнашчилари радиотехника раҳбари В. Авдеевнинг дарс машғулотларида қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Радио ва телевидениенинг ҳозирги кундаги ютуқлари билан танишиш мақсадида телеминорага саёҳат қилишди.***

**Л. ТЎХТАЕВА,**
**республика ўқувчилар техника ижодиёти Маркази методисти.**

*Иқтисодий билимларни ўрганамиз*

# ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

**ДАВЛАТ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАРИ** — пул ресурсларини сафарбар қилиш, қарзларини жойлаштириш мақсадида давлат корхоналари, маҳаллий ҳокимият идоралари, марказий ҳукумат томонидан чиқариладиган облигация, хазина векселлари ва давлатнинг бошқа мажбуриятлари.

**ДАЛЛОЛЛАР — қ. Воситачилар.**

**ДАЛЛОЛ ПУЛИ — қ. Куртаж.**

**ДАРОМАДЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ,** даромадлар индексацияси — истеъмол буюмлари нархлари даражасининг ошишига мувофиқ равишда турли аҳоли тоифаларининг номинал даромадларини мунтазам ўзгартириш (иш ҳақи, нафақа, стипендия, пенсия ва бошқа тўловлар миқдорини ошириш). Нарх-наво индекси тирикчилик учун зарур товарлар йиғиндиси — озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор товарлари хизматлар бўйича ҳисобланади (қимматбаҳо буюмлар, автомашина, биллур ва бошқа нодир товарларга қилинадиган харажатлар бу ҳисобга кирмайди). Биринчи навбатда энг кам даромад олувчилар ва даромади қатъий бўлган аҳоли тоифалари даромади индексланади.

**ДАРОМАДЛАРНИ МУЗЛАТИШ** — аҳоли пул даромадларининг ўсишини секинлаштириш ёки тўхтатиб қўйишга қаратилган сиёсат ҳамда қўлланилган чора-тадбирлар тизими. Икки мақсадни кузлайди: пулнинг бозор муомаласига тушишини сусайтириш орқали инфляцияга қарши туриш; аҳоли даромадини ўстирмай давлат, корхона, ташкилотлар даромадини ошириб, қўшимча жамғарма ҳосил қилиш ва шу йўл билан инвестиция учун имкон бериб, иқтисодий ўсишни таъминлаш, даромадларни музлатиш инфляцияга қарши кўриладиган тадбирлар жумласига киради.

**ДАСТМОЯ** (форс-тож. — қўл ва маблағ) — майда савдо оборотида амал қилувчи айланма маблағ. Савдо-сотиқ ишларида айлантириб туриладиган, фойда келтирадиган дастлабки асосий маблағ. Илгари косиблар қўлидаги оборот маблағ (хом ашё, материаллар олиш учун ишлатувчи маблағ) ҳам дастмоя дейилган. Товар-пул муносабати кенгайиб, айрим косиб ва майда савдогарлар бойиб кетса, улар қўлидаги дастмоя йирик маблағ — сармояга айланади.

**ДЕБЕТ-НОТА** — олди-бердиси бор томонлардан бирининг иккинчисига маълум пул миқдорини талаб қилиб олишга ҳуқуқ берадиган ҳолат пайдо бўлгани учун унинг дебет ҳисобига унинг шу пул миқдорини ёзиб қўйилганлиги ҳақида юборган хабарномаси. Дебет-нота олган томон ўзида эътироз бўлмаса, пул тўлашга розилик сифатида кредит-нота юборади.

**ДЕБИТОР** — (лат. debitor— қарздор) — корхона, ташкилот ёхуд маҳкамадан пул ёки мулк қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс. Қарз берган томон кредитор деб юритилади.

**ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ** — ўзаро хўжалик алоқаларини олиб борувчи корхона, ташкилотларнинг бир-бириддан қарзи. Корхона дебиторлик қарзи муддатига қайтариладиган ва тўлаш муддати ўтиб кетган қарздан иборат. Ўз вақтида ундириб олинмаган дебиторлик қарзи уни берган корхонанинг зарарига қўшиб ёзилади. Дебиторлик қарзининг ўз вақтида тўланиши бозор иқтисодиётидаги молиявий интизомнинг муҳим талабидир.

**(Давоми бор).**

**Боши ўтган сонларда.**

